


Ўзбекистон Республикаси
mas'uliyati cheklangan jamiyati
«MASLAXATAUDIT-M»
аудиторлик ташкилоти

«Гасдиклайман»
«Маслахатаудит-М» МЧЖ
директори  М.Гулбоев



**«Пахтакор пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2021 йил
«Молиявий ҳисобот» ларини текшириш натижалари бўйича**

ЎЗМА АХБОРОТ (АУДИТОРЛИК ХИСОБОТ)

Шартнома рақами ва санаси:

№ 30 05.04.2022 й

**Аудиторлик текшириш объектининг
манзили:**

Жиззах вилоят Пахтакор туман,
“Буюк Ипак йўли” ҚФЙ.

Бажарилган вақти:

05.05.2022 йил

Буюртмачи:

«Пахтакор пахта тозалаш»
акциядорлик жамияти

Ж и з з а х - 2 0 2 2

№ 19/05

05.05.2022 й

Жиззах шаҳри

Молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга

Изоҳли фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Фикр

Биз «Пахтакор пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабр ҳолатига тузилган “Бухгалтерия баланс”, “Молиявий натижалар тўғрисида” “Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот”, “Хусусий капитал ҳақидаги ҳисобот” ҳисоботларининг ишончлилигини шунингдек, бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар «Пахтакор пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувоқиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз компаниядан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профиссионал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот баланс ва хусусий капиталнинг мақсадли тушумлар қийматларидаги номутоносблик ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 010-сатрида операцион фаолиятдан тушумлар таркибида асосий фаолиятдан бўлмаган даромадлар биргаликда кўрсатилган.

Муҳимлилик

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Муҳимлик даражасини ялпи тушимнинг 2%, капитал ва резервларнинг 5%, активлар суммасининг 2% микдоридан режалаштирилди.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, БХМС га мувофиқ хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни

тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият жамият фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса. Корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз «Пахтакор пахта тозалаш» акциядорлик жамияти илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Муҳимлик даражасини 5% микдорида режалаштирилди. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида изохли фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

МЧЖ «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti
директори:

Аудитор:



(Handwritten signature of M. Gulboev)
(Handwritten signature of N. Buxtanov)

М.Гулбоев

Н.Бўстанов

Ўз.Р. МВнинг №04913-рақамли аудиторлик
малака сертификати 22.01.2011 йилда берилган.

Аудиторлик текируви ўтказилган хўжалик субъекти тўғрисидаги маълумотлар:

Номи: «Пахтакор пахта тозалаш» акциядорлик жамияти

Реквизитлари: х.р. 20210000900387411001, ОАТБ «Агробанк» МФО 00127 Пахтакор тумани филиали, ИНН: 201 000 437. 2014 йил 25 сентябрь куни №1206-реестр тартиб рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Юридик манзили: Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, «Буюк Ипак йўли» ҚФЙ, Завод кўчаси, 1-уйда.

Телефон: +99890-999-27-37

e-mail: zarbdor_ptoaj@mail.ru

Аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар:

Аудиторлик ташкилотининг номи: МСНЖ shaklidagi «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti

Реквизитлари: х.р. 2020 8000 4041 3625 8001, АТИБ «Ипотека банк» Жиззах вилояти филиали, МФО 00122, ИНН 203679800.

Манзили: 130100, Ўзбекистон Республикаси, Жиззах шаҳри, Байналминалчилар-5.

Телефон: +998972-226-55-78

WWW: JPA Audit-m.Uz

e-mail: Maslaxataudit@mail.ru